



ОСИЁ-АМЕРИКА АДАБИЁТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ИЖОДИДА МАВЗУЛАР КЎЛАМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

*Маматқулова Холида,
СамДЧТИ ф.ф.номзоди*

Калит сўзлар: Америка адабиёти, Осие-Америка адабиёти, гибридлик, муштараклик, трансмаданият.

Замонавий Америка адабиётида 1960 йилларнинг охирига келиб барча этник гуруҳлар ҳақ-ҳуқуқлари учун курашларининг энг авжи палласида тўлиқ шаклланган Осие-америкашунослик интеграциялашув жараёнларига мос келганлиги боис XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошларига келиб филологиянинг етакчи соҳаларидан бирига айланди. Элейн Ким “Осие-Америка адабиёти. Асарларга кириш ва уларнинг ижтимоий матни” (Elaine Kim. Asian-american literature. An Introduction to the Writings and their Social Context), Эми Линг “Дунёлар оралигида: Хитойдан келиб чиққан адибалар” (Between worlds: Women Writes of Chinese Ansetry), Х.Блум “Осие-америка адибалари” (Asian-american Women Writes) сингари дунё илмий жамоатчилиги тан олган олимлар эса ушбу соҳа назарий ва амалий асосларининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшдилар. Россияда М.Тлостанованинг “Мультимаданият-шунослик масаласи ва XX аср охири АҚШ адабиёти” номли китоби мазкур йўналишдаги илк ва энг мукаммал тадқиқоти бўлиб келмоқда. Е.Бутенина, С.Коровина, О.Сидорова, Т.Лупачева каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Осие-америкашунослигини ўрганувчи ўзига хос майдон ҳосил бўлди³.

³ Каранг: Бутенина Е.М. Гибридная идентичность как литературная проблема. На материале китайско-американской женской прозы XX века. Дисс... канд. филол. наук. -М., 2006. Коровина С.Г. Творчество Эми Тан 1980-х-90-х гг. в контексте азиатско-американской литературной традиции: Дисс... канд. филол. наук. -Чита, 2002. Сидорова О.Г. Азиатский “акцент” в современной литературе США // Известия Уральского государственного университета. № 53. 2007. – С. 242-252. Лупачева Т. А.

Уларнинг фикрича, бир хил ижтимоий-сиёсий шароитда турли этник гуруҳлар адабиётида ўхшаш мафкура, ғоя ва қарашлар пайдо бўлиши, шу заминда бир-бирига яқин адабий ходисалар, оқимлар шаклланиши, муштарак образлар (хатто тасвирий усуллар) юзага келиши табиийдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, улар бу масалага алоҳида ёндашдилар.

Осие-Америка адабиёти ёзувчиларининг кашф этилиши 1970 йилларда тузилган ва нашр этилган учта энг муҳим ва машҳур антологиялар билан бошланган десак хато қилмаймиз. Кай-ю Хсу и Хелен Палубинскас (Kai-yu Hsu) (Helen Palubinskas), Осие-америка ёзувчилари (Asian-American Authors, 1972), Осие-америка мероси: наср ва назм антологияси (Д.Н.Ванд, ed. Asian American Heritage: An Anthology of Prose and Poetry, 1974), Фрэнк Чин, Лосон Инада, Жеффри Пол Чан (Jeffery Paul Chan) ҳамда Шон Ванг (Shawn Wang) ҳамкорликда “Аййииииии! Осие-америка ёзувчилари антологиясини (Aiiieeeee! An Anthology of Asian-American Writers, 1974) нашр қилдиришган [1.14.]. Осие-америка адабиёти бўйича мутахассис С.Э. Солбергнинг фикрича илк антология гарчи “жамиятшуносликдан мактаб дарслигидай” бўлишига қарамай бир авлод ортидан кўплаб бошқа тўпламларнинг нашр қилинишига, муҳими Осие-америка адабиёти ёзувчиларини янги асарлар яратишга руҳлантирган. Орадан йигирма йиллар ўтиб “Катта аййииииии! Хитой-

Функционирование китайских вкраплений в произведениях американской писательницы Эми Тан: . Дисс... канд. филол. наук. -Владивосток., 2006.



америка ва япон-америка адабиёти антологияси (*The Big Aiiieeee! An Anthology of Chinese American and Japanese American Literature*, 1991) яратилган. 1990 йиллар ва ҳозирги кунгача Осиё-америка адабиётига тааллуқли кўплаб антологиялар тузилган. “Улғаяётган америкалик” (*Growing Up Asian American*, 1993), Осиё-Америка адабиёти. Антология (*Asian American Literature. An Anthology*, 2000), Осиё-америка жанубий-шарқий адабиёт (*Tilting the Continent. Southeast Asian American Writing*, 2000), “Тақиқланган сатрлар: Осиё-америка аёллар антологияси” (*The Forbidden Stitch: An Asian American Woman's Anthology*, 1989) ва бошқалар шулар жумласидан. Осиё-америка адабиёти таркибида турли гуруҳлар мавжуд бўлиб, ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, япон-америка адабиёти муаллифлари Ж.В.Хаустоннинг “Алвидо, Манзанар!” (J.B. Houston “Farewell to Manzanar!”), Жон Акаданинг “Йўқ, йўқ бола” (J. Okada “No-no boy”) асарларида қамокхоналардаги ҳаёт тасвирланган. Филлипин-америка ижодкорлари Б.Сантос “Олмалар хиди” (B. Santos “Scent of Apples”), К.Булосаннинг “Америка қалбимда” (K. Bulosan “America is in the Heart”) номли романларида эса бутунлай ўзгача руҳият, ўзгача мавзуларга дуч келамиз. Америка ва унга сингишиш асосий тушунчалардан ҳисобланади. Жинс ва жинслар ўртасидаги муносабатлар ҳам асосий мавзулардан ҳисобланади. Шу боис Осиё-Америка адабиётида феминистик йўналиш алоҳида кўзга ташланмоқда. Адабиётшунос Эми Линг “Дунёлар оралиғида: Хитойдан келиб чиққан адибалар” (*Between worlds: Women Writes of Chinese Ansetry*) номли китобида ўттиз тўртта машҳур ва машҳур бўлмаган хитой-америка адибаларининг асарларини кўриб чиққан, уларни тавсифлаб умумий ва ўзига хос хусусиятларига кенг тўхталган. Шунингдек, Осиё-Америка адабиёти вакиллари асарларида умумий нукта мавжуд. Бу нукта-этник жиҳатдан ўз-ўзини англаш мавзусининг

ишланишидир [1.20]. Мавзу жиҳатдан яқинлиқдан ташқари Осиё-америка адабиёти матнларини бирлаштурувчи хусусиятлардан бири гендер ёндашувдир. “Осиёликлар ассимиляцияси. Осиё Америкасида муаллифликнинг гендер стратегиялари” (*Assimilating Asians. Gendered Strategies of Authorship in Asian America*, 2000) номли тадқиқотида Патриция Чу куйидаги фикрни эътироф этади: “Муаллиф эркаклар ва муаллиф аёллар турли риторик стратегиялардан фойдаланиб асосий бадиий муаммонинг ечимини берадилар, яъни осий-америкалик шахсининг шаклланишини тасвирлайдилар” [3.4]. Ҳар бир муаллифнинг ўзига хослигини инкор этмаган ҳолда Сау-Линг Синтия Вонг интерматн мавзули тадқиқотни тавсия қилади. “Осиё-Америка адабиётини ўқиб. Эҳтиёждан исрофгарликкача” (*Reading Asian American Literature. From Necessity to Extravagance*, 1993) номли тадқиқотида Осиё-Америка адабиёти ҳамда мавжуд адабий анъналардаги индивидуалликни кўрсатган ва уларга хос бўлган умумий хусусиятларни аниқлашга ҳаракат қилган [10.12]. Вонг диққатини тўртта мавзуга қаратади: овқат, ўхшаш чехра тимсоли, сафарбарлик (америкаликка хос бўлган доим кўчиб юришларга интилиш) ва санъат. Шунга монанд фикрни Рейчел Ли “Осиё-америка адабиёти. Миллат ва транс миллатнинг гендер баёни” (*TheAmericas of Asian American Literature: Gendered Fiction of Nation and Transnation*, 1999) номли китобида келтиради: “Жинс ва сексуаллик Осиё-Америка ёзувчилари Американи эгаллашлари ва у ҳақида ёзишларида асосий тушунчалар бўлиб қолмоқда” [5.3]. Шунингдек, олимнинг таъкидлашича осий-америка муштараклигининг осий ва америкага бўлиниши ногўғри. Зеро, улар бир - бирига қарама - қарши бўлиши мумкин, лекин доимо ўзаро ҳаракатда бўладилар.

Дэвид Лейвей Ли (David Leiwei Li) 1990 йилларнинг охирида “Миллатни тасаввур этиб: Осиё-Америка адабиёти ва маданий битим” (*Imaginingthe Nation: Asian American Literature and Cultural Consent*, 1998) китоби-да мазкур атаманинг



тараққиётини таҳлил қилиб, адабиётини ўрганишни уч даврга бўлишни таклиф этади: Этник-миллий давр (1960 йиллар ва 1970 йилларнинг боши); феминистик давр, Максин Хонг Кингстоннинг “Жангчи аёл” (*The Woman Warrior*, 1976) бадиий таржимаи ҳолининг нашр қилинишидан бошланиб 1980 йилларни ўз ичига олади. Учинчи давр гетергlossия (турли талқин деган маънони англатиб Бахтиннинг атамасидан фойдаланилган) даври ҳозирги кунгача давом этиб келмокда. Лининг нуқтаи назарига кўра этник-миллий босқич фуқаролик ҳуқуқлари учун кураш ва Осиё-Америка ўрта ҳол синфининг шаклланиши билан хусусиятланади. Мазкур хусусият “Аййиииии” гуруҳи вакиллариининг ижодида намоён бўлиб, бир томондан “америка маданиятида инглиз-саксон маданияти устунлигини инкор қилсалар, иккинчи томондан мавжуд етакчи универсал маданий қадриятларни такрорладилар” [6.185-186]. Лининг эътирофига кўра “Максин Хонг Кингстоннинг “Жангчи аёл” (*The Woman Warrior*, 1976) асари 1976 йилда нашр қилингунига қадар жамият онгида Осиё-Америка муштараклиги деган тушунча мутлақо мавжуд бўлмаган. Шунга кўра, мазкур асар Осиё-Америка адабиётининг юзини ва мавқесини бир умрга ўзгартира олган” [6. 44]. Мазкур адабиётда унғача ҳеч қайси асар бундай натижага эга бўла олмаган.

Максин Хонг Кингстоннинг “Жангчи аёл” (*The Woman Warrior*, 1976) асари танқидчиларнинг назарига тушиб, китобхонлар орасида машхур бўлиб кетган. Натижада Осиё-Америка адабиёти XX аср мейнстрим америка адабиётининг таркибига кириб ўзининг қатъий ўрнини эгаллайди. Айнан 1976 йилдан феминистик давр бошланиши бежиз эмас. Мазкур даврда осие-америкаликнинг хусусий тарихга эга бўлиш ҳуқуқи тан олинган. Кейинчалик гетергlossия даврида “шахсий таржимаи ҳоллар жамоавий тарихлардан устунлик” хусусиятлари шаклланган. Шунингдек, осие-америкалик атамасининг маъносига янада аниқлик киритилган. “Осиелик”-ирқий тавсиф бўлиб,

“америкалик”-миллий кўрсаткич сифатида эътироф этилган.

Сўнгги йилларда Хитой-америка адаблари: Эдит Мод Итон, Дайана Чанг, Эми Тан и Гиц Жен ва бошқаларнинг ижоди кенг кўламда ўрганилмокда. Уларнинг орасида Максин Хонг Кингстоннинг ижоди энг кўп тадқиқот доирасига тортилган. Америка Замонавий Тил Ассоциацияси (Modern Language Association, MLA) маълумотларига кўра Максин Хонг Кингстон асарлари мультимаданиятшунослик бўйича курслар дастурларига тез-тез киритилади. Шерли Жек-Лин Лим раҳбарлигида нашрдан чиққан Максин Хонг Кингстоннинг “Жангчи аёл”ини ўқитишда ёндашувлар” (*Approaches to Teaching Kingston's The Woman Warrior*, 1991) китоби адиба ижодини юқори баҳолаган ва юксакликка кўтарган. “Хитой эркаклари” (*China Men*, 1980), “Маймун -саёхатлар устаси” (*Tripmaster Monkey*, 1989) каби асарлари адабиётдан ташқари жамиятшунослик, маданиятшунослик, этнология фанлари дастурларига ҳам киритилиб кенг кўламда ўрганилишига йўналтирилган. Максин Хонг Кингстон ижоди нафақат этник ёзувчиларнинг ижодлари билан қиёсий тадқиқ қилиниб, мавзуларнинг, тимсолларнинг муштараклигини аниқлашга қаратилган, балки китоблари европалик ва америкалик ижодкорларнинг асарлари билан таққосланиб ўрганилмокда: Жойс ва Фицджеральд, Эзра Паунд ва Перл Бак, Жонатан Свифт, Жон Барт, Виржиния Вульф, Генри Жеймс, Гертруда Стайн, Хемингуэй ва Фолкнер, Владимир Набоков⁴ ҳамда хитой адабиёти бўйича тадқиқотларга ҳам киритилган.

⁴ Қаранг: Chuang, Kun-Liang. Nation, Migrancy, and Identity: The Negotiation of a Third Space in Joyce's Ulysses, Rushdie's The Satanic Verses and Kingston's Tripmaster Monkey; PhD diss. The George Washington University, 1995. 257 p. Huang, Yunte. The Poetics of Displacement: Ethnography, Translation, and Intertextual Travel in Twentieth-Century American Literature (Ezra Pound, Amy Lowell, John Yau, Maxine Hong Kingston, Pearl S. Buck); PhD diss. State University of New York at Buffalo, 1999. 219 p. Ch'ien, Evelyn Nien-Ming. Worlds of Exile: Nabokov, Rushdie, Kingston, Roy,



Максин Хонг Кингстоннинг ёш замондошлари Эми Тан (1952-) ва Гиш Жен (1956-) адабиётга муваффақият билан кириб келишган. Эми Таннинг илк романи “Ошхона маъбудининг рафиқаси” (*The Kitchen God's Wife*, 1991), “Юзта яширин сезги” (*The Hundred Secret Senses*, 1995) ва бошқалар катта шуҳрат қозонишган. Тадқиқотчиларнинг эътирофига кўра “Қувонч ва омад клуби”нинг нашр қилиниши АҚШ Осиё - Америка аёллар адабиётининг гуллаб-яшнашини таъминлаган. Шунингдек, улар адибанинг асарларида Толстой асарларидаги каби воқеалар оқими ва тафсилотлар мавжудлигини таъкидлашадилар. Эми Тан ижодида аёллар мавзуси марказий муаммолардан бўлиб ёш ва кекса авлод вакилларига бирдай ўрин ажратилган. Унда муаммонинг турли жиҳатлари, жумладан авлодлар ўртасидаги зиддият мавзусига кенг ўрин берилган.

Гиш Женнинг ижодида ҳам аёллар мавзуси кенг ёритилган. Муайян диссертациялар адиба асарларини ўрганишга бағишланган. Масалан, “XX аср хитой адабиётида оналар ва қизлар муносабатлари” тадқиқот мавзуси ҳисобланган. Ваҳоланки, унинг асарларида оталар ва қизлар мавзуси ҳам етарлича ёритилган.

XXI аср ёзувчилари ҳам Осиё-Америка адабиётининг саҳифаларини ёрқин асарлар билан бойитмоқдалар. Фируза Дюманинг 2003 йилда яратилган “Форс тилида кулгули” (Firoozeh Dumas, “Funny in Farsi”) деб номланган романлаштирилган таржимаи ҳолининг нашрдан чиқиши шундай асарлар жумласиндадир. Асарнинг “Эронлик қизнинг Америкада улғайиши ҳақида

хотиралари” (“A Memoir of Growing Up Iranian in America”) деган сарлавҳаси ҳам ифодали чиққан. Роман бир қанча адабий мукофотларга лойиқ топилган. Роман энг яхши юмористик асар сифатида бир қанча ўрта мактаб дастурларига киритилган. Келиб чиқиши Мароккодан бўлган Фатима Мернисси (Fatima Mernissi) “Чегараларнинг бузилиши ҳақида орзулар: ҳарамда болалик ҳақида ҳикоялар, 2005”, Озода Муверни (Azadeh Mooverni)нинг “Лаб бўёғига жиҳод: Америкада эронлик ва Эронда америкалик бўлиб улғайиш ҳақида хотиралар, 2005”, Эрондан келиб чиққан америкалик Жасмин Дарзник (Jasmin Darznik)нинг “Яхши қиз – онамнинг сирли ҳаёти ҳақида хотиралар” (2011) кенг муваффақият қозониб келаётган асарлар сирасига қиради.

Осиё-Америка адабиётини ўрганиш бўйича тадқиқотлар АҚШ ҳудудлари доирасидан чиқиб, дунё бўйлаб тарқалмоқда. 1987 йилда Германияда Карин Мейсенбургнинг хитой-америка адабиётига бағишланган “Девордаги ёзувлар” номли тадқиқоти нашр қилинган. Мазкур маълумотларни келтирган Кин-кок Ченнинг таъкидлашича, Италия, Польша, Франция, Испания ва бошқа мамлакатлардан жуда кўп тадқиқотчилар АҚШ га фақат Осиё-америка адабиётини ўрганиш учун ташриф буюрадилар [5.29].

Ўзбекистонда ҳам мазкур соҳа ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Мамлакатимизда америка адабиётига бўлган жуда катта қизиқишни ҳамда адабиётшунослигимизда Осиё-америка адабиётини ўрганиш янги соҳа эканлигини эътироф этамиз. Мазкур йўналиш қуйидаги хусусиятларни қамраб олса мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

1. Осиё-Америка адабиётини манба-шунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан илмий ўрганиш.

2. Осиё-Америка адабиёти вакилларининг асарларини таржима қилиш ҳамда таржималарини илмий-назарий ўрганиш.

3. Осиё-Америка адабиёти вакилларининг ижодини қиёсий ўрганиш,

and Diaz (Vladimir Nabokov, Salman Rushdie, Maxine Hong Kingston, Arundhati Roy, Junot Diaz): PhD diss. University of Virginia, 2000. - 212 p. Rusk, Lauren. Three-Way Mirrors: The Life Writing of Otherness (Autobiography, Virginia Woolf, James Baldwin, Maxine Hong Kingston): PhD diss. Stanford University, 1995. - 165 p.. Scala, Virginia M.D. Writing in Borges's Garden: The Lively Performances of John Barth and Maxine Hong Kingston: MA diss. Florida Atlantic University, 1996, 80 p. ва бошқалар.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бутенина. Гибридная идентичность как литературная проблема. Дис.канд. филол.наук. -М. 2006.- 281 с.
2. Коровина С.Г. Творчество Эми Тань 1980-х-90-х гг. в контексте азиатско-американской литературной традиции: Дис. канд. филол. наук. -Чита, 2002.
3. Chu, Patricia Assimilating Asians. Gendered Strategies of Authorship in Asian America Durham & London, Duke University Press, 2000. - 242 p.
4. Kingston and Joyce Carol Oates: Ph.D. diss. Indiana University of Pennsylvania, 2002. - 254 p.
5. Lee, Rachel C. The Americas of Asian American Literature: Gendered Fictions of Nation and Transnation. Princeton, N.J.: Princeton University Press, 1999. - 205 p.
6. Li, David Leiwei. Imagining the Nation: Asian American Literature and Cultural Consent. Stanford, CA.: Stanford University Press, 1998. - 261 p.
7. Li, Huihui. Representations of Code Switching in Asian American » Women's Writing: PhD diss. Texas A & M University, 2001. - 241 p.
8. Meier, Laura Elizabeth. Fault Lines: Multicultural American Women Writers' Subversive Responses to Division (Julia Alvarez, Louise Erdrich, Maxine Hong Kingston): PhD diss. State University of New York at Binghamton, 2001. - 207 p.
9. Raffuse, Gabrielle. Feminine Mythologies of Cultural Import: Women Writers and Narratives of Deviation (Louisa May Alcott, Kate Horsley, Maxine Hong Kingston): MA Diss. University of Alaska, Anchorage, 2000. - 108 p.
10. Wong, Sau-ling Cynthia. Reading Asian American Literature. From Necessity to Extravagance. Princeton, New Jersey: Princeton University Press, 1993.-258 p.
11. Weldon Johnson, F. Scott Fitzgerald, Maxine Hong Kingston, Toni Morrison): PhD diss. New York University, 2000. - 303 p.

Маматкулова Х. Сравнительный анализ творчества представителей азиатско-американской литературы. В статье рассматриваются формирование, периодизация и тематика произведений писателей нового направления азиатско-американской литературы в современной американской литературе. Также проводится тематико - литературоведческий анализ произведений азиатско-американской литературы с применением культурно - исторического, компаративного, герменевтического методов.

Mamatkulova X. Comparative analysis of the works of Asian-American literature. The article discusses formation, periodization and themes of works of a new direction in Asian-American literature in modern American literature. A thematic - literary analysis of the works of Asian-American literature is also carried out using cultural - historical, comparative, hermeneutic methods.